

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ  
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
РЕСПУБЛИКА «МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИНИНГ  
ҚАРОРИ

**460** Ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 6 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1112-1*

*(2010 йил 16 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1251-сон (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 562-модда) ва «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2009 йил 30 декабрдаги ПҚ-1252-сон қарорларига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 563-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Республика «Маҳалла» жамғармаси ва Халқ банки **қарор қилдилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Республика «Маҳалла» жамғармаси, Халқ банкининг 2002 йил 8 февралдаги 11/501, 32, 16 ва 8-сонли қарори (рўйхат рақами 1112, 2002 йил, 14 март) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъерий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил 5-сон) билан тасдиқланган «Ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги низомга иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири**

**А. ХАИТОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 10 ноябрь,  
189-ҚҚ-сон

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 10 ноябрь,  
96-сон

**Республика «Маҳалла»  
жамғармаси бошқаруви раиси**

**А. АХМЕДОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 10 ноябрь,  
233-сон

**Халқ банки  
бошқаруви раиси**

**Н. НАЗАРОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 10 ноябрь,  
08-10/360-сон